



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 28 октябрь, чоршанба • № 84 (11.067) • Эркин нарҳда сотилади

## Вилоят ҳокимлигида

### ВАТАННИ МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ

**Вояга етган ҳар бир йигит учун ҳарбий хизматни ўташ, Ватан равнақи ва тараққиёти йўлида хизмат қилмоқ, унинг сарҳадларини қўриқламоқ муқаддас бурчдир. Бундай кунга етган ёш авлод фахрланса арзийди. Чунки энди у мустақил юрт, мустақил Ўзбекистон тинчлик, остойишталиги йўлида хизмат қилади.**

Айни кунларда республикамизда ёшларни ҳарбий ва муқобил хизматга чакирувнинг навбатдаги мавсуми давом этапти. Бу тадбир вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кизгин бормоқда. Ҳар кун вилоят чакирув манзилгоҳидан ёш йигитлар ўз бурчларини ўташ учун йўл олмақдалар. Айни вақтда чакирув мавсумини пухта ўтказиш, ҳарбий хизматга ҳар томонлама лаёқатли ва хисмонан соғлом ёшларни жалб этиш энг муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун ҳам жойларда ҳокимликлар, мудоффаа ишлари бўлими ва тегишли идоралар фаол ишларни ло-зим. Айниқса, шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган чакирув комиссиялари ишчи жонлангириш катта аҳамиятга эга.

Кеча вилоят чакирув манзилгоҳида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масалалар кенг ва атрофлича муҳокама этилди. Мажлисда шаҳар, туман ҳокимла-

рининг муовинлари, мудоффаа ишлари бўлими ва тегишли идораларнинг бошлиқлари, чакирув комиссиялари аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда кун тартибидидаги масала — кузги ҳарбий ва муқобил хизматга чакирувнинг қандай бораётганлиги тўғрисида вилоят мудоффаа ишлари бўшқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Раҳматилла Тошҳужаев ахборот берди.

Йиғилишда кузги чакирув мавсумининг айрим жойларда яхши ташкил этилмаётганлиги, айниқса, чакирув ёшига етган йигитлар билан ишлашга етарли эътибор берилмаётганлиги тўғрисида муаммолар ҳам келиб чиқаётганлиги рўй-роҳат айтилди. Айни вақтда уларни бартараф этиш, тадбирни муваффақиятли яқунлаш юзасидан тегишли кўшимча чора-тадбирлар белгиланиши зарурилиги таъкидланди.

### ҚОЗОҒИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI N. NAZARBOEVNING ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIGA ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақдирнома буюми Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 1998 йил 30-31 октябрь кунлари расмий таширф билан Ўзбекистон Республикасида келади.

### Хушxabар АРТУР ГРИГОРЯН ЯНА ЧЕМПИОН БЎЛДИ

Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал боксчилар орасида Жаҳон чемпиони унвони олиш учун мусобақа бўлди.

Профессионал бокс муҳлисларининг севилими бокснинг Ўзбекистонлик Артур Григорьяни Гамбургдаги етти минг томошабин сифадида спорт мажмуида гудурдос қарсақлар билан кутиб олишди. Бу ерда унинг Жаҳон чемпиони унвонида даввогар италиялик Жорж Кампанелло билан учрашуви мўлжалланган эди. 28 ёшли бу кучли спортчи 31

жангдан 26тасида галаба қозонган, шундан 18та учрашувда рақибини нокаутга учратган.

Учрашув ўн раунд давом этди. Ҳал қилувчи ўнинчи раундда Артур Григорьян рақибини нокаутга учратди. Бу галаба билан у Жаҳон чемпиони унвонини еттинчи марта сақлаб қолди.

Ў.Э.

### ШУ СОНГА КУЗ БАРАКАСИ

Ҳар йилдагидек бу йилги куз ҳам тошкентликлар учун баракали келди.

Улар сабзаёт ва мева тайёрлаш давлат бюор-тмасини бажариш буйича яхши натижаларга эришдилар. Ҳозирги кунга қадар режадаги 25 минг 480 тонна ўрнига 25 минг 510 тоннадан ортиқ сабзаёт маҳсулотлари со-тилди. Бу соҳада, айниқса, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Алишер Навоий, Ғиёс Умаров номи ва «Тошкент» ҳамда «Ўзбекистон» жамоа ҳўжаликлари яхши натижаларга эришдилар.

Бог-роғларда етиштирилган мева ҳосили ҳам ушўқоқлик билан йиғиб-териб олиниб, шу кунга қадар режага нисбатан 31 тоннадан ортиқ маҳсулот эл дастурхони-га етказиб берилди.

Саҳий кузининг ҳар да-мидан самарали фойда-ланишга ҳаракат қилаётган Тошкент тумани меҳнатқашлари дала-ларида қолган ҳосилни ҳам тезроқ саранжомлаб олиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

### Ифтихор «ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ҲАҚАТ ЯХШИЛИҚДИР»

**Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламнинг фахр-ифтихоридир. Ул табарруқ зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, буюк қилмас ирода, сўнмас эътиқод тисолидир.**  
**Ислом Каримов.**

Утган ҳафтада юртимиз ажиб нашоу намолар оғушида яшайди. Буюк аллома — муҳаддислар султони Имом ал-Бухорийнинг 1225, ва ўрта асрларда жаҳон илм-фанни тараққиётига бекуёв ҳисса қўшган Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўғйи нишонланди.

Имом ал-Бухорий! Шу биргина сўзни тилга олганимизда қалбимизга бир олам зиё қулолади. Сабаби аллоمانинг ҳаёти саб-бардошининг, қаноат-нинг, эътиқодига фидойилик-нинг ва неҳоят муқаддас динни исломга бўлган сўнғисиз иззату икром, Сайғамбаримиз алайҳис-саломнинг лутфларига сардоқнинг тисолидир.

23 октябрда Самарқанд шаҳрига таширф буюрган жаҳоннинг 40га яқин мам-лакатидан келган меҳмон-ларнинг қанбида ана шу эътироф мавж уриб турганига аминиз.

Шу эътироф «Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлис-лар залида бўлиб ўтган. Муқаддас Куръони Каримдан суралар тиловати ила бошланган «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё мадания-тида тутган ўрни» мавзуда бўлиб ўтган халқаро ан-жуман катнашчиларининг ҳар бир сўзида барқ уриб турди. Хусусан Кувайтнинг «Ал-Бағтия» жағармаси раиси Абдуллазиз Сауд ал-Бағтияни, Мисирнинг «Ал-Азаб» дорифундуни ректо-ри Аҳмад Умар Хошимнинг нутқларига буюк ватандо-шимиз Имом Ал-Бухорий-нинг Шарқдаги рутбаси қан-чалар баян эканини ҳар бир тинглаган киши қалбдан ҳис этди. Улар айтган ҳар бир сўзда хадис илмининг султони бобокалонимизга чексиз ҳурмат намоён бўлиб турди.

Чиндан ҳам, беш ёшдан бошлаб ўзини илмга бахши-да этган, бутун умри да-мида юртма-юрт кезган, Ироқ, Шом, Ҳижоз, Нишопур, Балх, Бағдод синга-ри шаҳарларда яшаб, ижод эт-ган, 500 мингдан зиёд хадис тўплаган Имом ал-Бухорий-нинг илмий мероси улкан бир денгиздир. Шу уммон-нинг дурлари ҳам этилган «Ал-жомеъ ас-сахийҳ», халқимиз орасида «Саҳийҳ Бухорий» номи билан машҳур бўлган хадислар китоби муқаддас Куръони Ка-римдан кейинги иккинчи та-

барруқ манба саналади. Шу кун давом этган илмий мулоқотларда «Имом ал-Бухорий замонини», «Имом ал-Бухорий хадисшунослик илмига қўшган ҳиссаси», «Имом ал-Бухорий илмий меросининг жаҳон миқёсида ўрганилиши» каби масалалар буйича маъ-рузалар тингланди. Баху му-нозаралар бўлиб ўтди.

Тўй тантаналари Самарқанд вилоятининг Челақ туманида жойлашган Хартанг қишлоғига кўчди. Бу ерда қайтадан тик-ланган Имом ал-Бухорий мақбараси-забратгоҳининг очил-тиш маросимида ватанимиз Президенти Ислам Каримов катнашди. Мухташ масжид, унга туташ шарқона бинолар буюк алломанинг хотирасига мос ва хос эди. Дарвоза пештоқида араб ва лотин ҳар-фарида битилган «Бу ёдгор-лик мажмуи ислом оламиде-юксак обрў-эътибор қозонган улуг ватандошимиз, хадис ил-мининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорий таваллудин-инг 1225 йиллиги муносаба-ти билан Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Ан-дижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталарининг олтин қўлилари билан барпо этилган» деган сўзлар илм-ишқинининг маънавий мероси, миллий кадриятлар-мизга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигини ифода этиб турди.

Жума намози ўқилгандан кейин Имом ал-Бухорий ёдгор-лик мажмуининг очилиш маро-симини бўлди. Унда Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Юртимиз сарвари ўз сўзларида Имом ал-Бухорий дахосига баҳо бе-рар эканлар, ул зотнинг баша-рият тарихидаги бекуёв сий-мо эканлигини таъкидлаб: «Яратганимизга шўкрларга бўлсинки, озодчилигимиз шаро-фати билан ал-Бухорийдек ул-ғат аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломан-нинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига ки-риб, онгу тафаккуримизни рав-шан этмоқда», дедилар.

Тантанали маросим ақун-ида Президентимиз бу ерда таширф буюрган ҳориқлик эди меҳмонлар ёдгорлик маж-муини зиёрат қилдилар. Ойна-ни жаҳонда намойиш этилган лаҳзалар юртимиздаги ҳар бир кишининг дилини фахр-ифти-хор билан лиммо-лим бўлиштирди. Шу кун Имом ал-

#### Дил изҳори

Имом ал-Бухорийни, Аҳмад ал-Фарғонийни, Илму ҳикмат қанчалар улуглигини, олим алло-маларнинг қанчалар эл орасидаги ҳурмат-и, Шўролар даврида фақат ҳаётимиз яхши деб мадҳия ўқиб шавқид. Истиқлол шўбадлари эсиб, шуруминизга, онгимизга, ҳаётимизга бир олам ангийлик кириб келди.

Иккала тантаналарда йўлбошимиз Ислам Каримовнинг иштироқи этиши, бир олам мазмунга эга нутқ сўзлашиларини ҳаёжон билан тингладим. Икки олим-нинг тўйи бу — юртимизнинг дунё миқёсидида беадад обурисидир.

Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Улардек бахтли ав-лод йўқ. Улар асли, ҳақиқий тарихимизни ўқидилар. Кела-жамизнинг тавал тошини қўйдилар. Кунин-кеча муборак тўйларини нишонланган пири-қомил устоз аллодаларнинг руҳлари уларга ҳаммиса ёр бўлсин.

Илдош ота ҒАҒФОРОВ,  
уруш ва меҳнат фахрийси, Тошкент тумани.

### ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Бельгиядаги Фавқуллода ва Мухтор Элчисини Ш. Хамрокулов Брюсселда бельгияликлар Кирилли Альберт Ига ишонч ёрлиқларини топширди.

Топшириш маросимидан сўнг ўзбек дипломатининг Бель-гия давлати раҳбари билан Ўзбекистон ва Бельгия ўртаси-даги муносабатлар аҳволи ва истиқболлари тўғрисидаги сўхбати бўлиб ўтди.

«ЖАХОН» АА.

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

#### ЯНГИ МОСЛАМА

ЧИРЧИҚДАГИ «Электримёноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтирочилари ва рационализаторлари ўзларининг ижодий изланишлари билан технология жараёнларини такомиллаштиришга, хом ашё ва материалларни тежаб-тергашига муносив ҳисса қўшмоқдалар.

Яқинда улар ретур ҳам унинг ёнишини тар-тибга солувчи ва унинг исроф бўлишини қайтаришга қаратилган янги мослама жорий қилди.

Шу вақтгача аланга қурилмасининг горелкаси конструкцияси ретур газининг тўла ёнишини таъминламас эди. Бу-нинг устига бу ёқилғига талаб қамайган вақтда ҳам унинг ёнишини таъминлаш учун қўшимча табиий газ узатиб туриларди. Изланувчилар горелка конструкциясини ўзгартиришини тақлиф қилдилар. Натижда аланга қувирида ретур газининг ёниши яхши-ланди ва унинг муайян қисмини тежаш имкони туғилди.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

#### ЭЛМУРОД АҚШГА БОРАДИ

ЯНГИ турдаги ўқув юртлари орасида академик лицейлар алоҳида ўрин тутади. Тошкент Давлат Аграр университети ҳузурнда фаолият кўрсатаётган лицейда ҳозир 200 нафардан ортиқ иктидорли ёшлар таълим олишмоқда.

Лицейда «ҳозирлик» синфи бўлиб, унда машғулотлар чет тили-да олиб бориляпти. Шунингдек, лицейнинг фозири синфларидида физика, математика, биология ва химия дар-слари ҳам инглиз тили-да ўқитилмоқда.

Ўқув даргоҳи респуб-лика ўзбек-турк бола-лар лицейи мақомини олган. Шунинг учун Тур-киядан келган малакали ўқитувчилар ҳам дар-се беришляпти.

Самара эса ёмон эмас. Яқинда инглиз тилини пухта эгаллаган иктидорли ўқувчи Элму-род Қандимов республи-ка танловида муваф-фақиятли қатнашиб, АҚШга бориб ўқиб-луққини қўлга киритди.

Ақбар АЛИЕВ.

#### СИРКАСИ ҲАМ ЎЗЛАРИДАН

ТОШКЕНТ туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номи мулк эгалари уюшмасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган 4та цех далаларда етиштирилган ҳосилни қайта ишлаб, харидорларга пешма-пеш етказиб бе-ряпти.

Энг муҳими ҳўжалик-нинг мева шарба-ти, минерал сувлари ва мусалласла-ри узоқ-яқинга машҳур бўлиб, харидорлари кўпайиб бормоқда. Яқинда қишлоқда яна бир цех — узум сиркаси ишлаб чиқарадиган кор-хона фойдаланишга топ-ширилди. Бу маҳсулот фақат озиқ-овқат сифа-тидагина эмас, қандли диабет касаллигини да-волашда ҳам ишлатил-моқда.

Қишлоқдаги ишлаб чиқариш корхоналари ҳўжаликка мўмай даро-мад келтирибгина қол-май, кишилари доимий иш билан банд қилишда ҳам катта ўрин тутаяпти.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

— СIZNING ГАЗЕТАНГИЗ!

-га обуна давом этмоқда!

ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН:	ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:	Нашр курсаткичларимизни эслатиб утамыз:	ВАҚТ КУТМАЙДИ!
1 ЙИЛГА —	1 ЙИЛГА —	Якка обуначилар учун —	205
2012 СՄ 28 ТҲИЛ	2612 СՄ 28 ТҲИЛ	Ташкилотлар учун —	206
6 ОЙГА —	6 ОЙГА —		
1006 СՄ 14 ТҲИЛ	1306 СՄ 14 ТҲИЛ		
1 ОЙГА —	1 ОЙГА —		
167 СՄ 69 ТҲИЛ	217 СՄ 69 ТҲИЛ		

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

**БАРПО этилаётган демократик жамиятимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан то шу пайтгача 30дан ортиқ қонуна қўйилган.** Улардан ҳар бирини ҳам муҳим ҳисоблаш мумкин. Аммо бизнинг фикрича, унинг қадр-қиммати бўлган ҳурмат, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан охири муносабат ҳолига мувофиқ.

Узоққа бормайлик. 1997 йил декабрда бўлиб ўтган биринчи қаҳриқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида муҳомада этилган «Ер кодекс» ва «Қишлоқ ҳўжалиқ корхоналари санацияси тўғрисида», «Деҳқон ҳўжалиқлари тўғрисида», «Гаров тўғрисида»-ги қонуналар лойиҳалари муҳомада этилди. Ана шу сессияда депутатлар «Қишлоқ ҳўжалиқ корхоналари санацияси тўғрисида»-ги қонуни қабул қилдилар. «Ер кодекс» лойиҳасини янада пухталаштириш, бошқа бир қанча қонуналар ўзгариштириш қарар қилинган. «Деҳқон ҳўжалиқлари тўғрисида»-ги қонунлар сессияга тақдим этилганга қадар умумхалқ муҳокамасидан ўтганини, яъни жамоатчилик фикри бу ҳужжатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этганини кайид этиш ўринлидир.

Хусусан, қишлоқ ҳўжалиқ тарихини билан боғлиқ қонунлар муҳокамасида минглаб кишилар иштирок этилди. Қонуналар лойиҳалари ҳўжалиқлар аъзоларининг йиғилишларида, бригадаларда, фермерлар, оилавий пудратчиларнинг сўзбашларида кенг ўрилган. 250дан ортиқ салмоқли тақлифлар тўпланди. Улардан асарияти тўхтаҳиссанлар томонидан мукамал қонуналар яратилди инобатга олинди. Ана шундай муҳокамалар жамиятимизда бир томондан ижтимоий фикр доирасининг кенгайиб боришини таъминласа, иккинчи томондан ҳўжалиқ ҳўжатларнинг вужудга келишидаги демократик руҳнинг шаклланишини ҳам ифодалади.

Шу йилнинг январь ойида қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», ўтган йил апрелидаги «Ахборот олиш қарорлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуналар лойиҳалари муҳокамасида ҳам юзлаб қаламкашлар фикрлари баён қилинди. Бунда бош муҳаррирлар, журналистлар фаолиятини яхшилашга қаратилган до-

## ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

ларб ва муҳим тақлифларнинг аниқлигаси инобатга олиниб, пишиқ-пишиқ, халқлик қонуналар яратилди. Эндиликда улар амалиётда ўзининг ҳаётий эканлигини кўрсатмоқда.

Худди шундай жамоатчилик фикрини қизгин ўрганиш «Оила кодекс» бўйича баҳслар жараёнида ҳам аниқ сезилди. Кодексда «Эр-хотиннинг илгарии никоҳидан бўлган болалари ўн қариндош ҳисобланмайди» деган жумла мавжуд эди. Бу ҳақда бир гуруҳ газетчилик лойиҳа юзасидан ўз фикрларини

### Инсон ва қонун

билдириб, «бизнингча бу ўринсиз тўломоқда. Бордию келажақда мазкур фарзандлардан кимнингдир меросқўлиги ҳусуида ўйлаб бу жумла ёзилган бўлса, унда ана шу таҳлилга уни ўзгариш қилиш керак. Лекин юқоридаги оилаларда жумла чигароқ чиққанда ўшаиди. Ҳаётда эса эр-хотиннинг илгарии никоҳидан бўлган болалари ака-ука, она-синглилардек ҳаёт кечиришга таянган ҳақида мисоллар кўп» деган фикрни ўртага ташлади.

Кодексни тайёрлаб комиссияси аъзолари бу ва шунга ўхшаш фикрларни мақбул деб топиб лойиҳани янада тақриллашди. Мазкур моддага инсоний тоқ-муҳаббат, ўзаро ҳурмат руҳи сингдирилди ҳамда қонунда ҳисобга олинди.

«Қишлоқ ҳўжалиғи кооперативи (ширкат ҳўжалиғи) тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида мулоҳазаларини Тошкент Давлат юридик институтини кафедра мудири Мухаммади Усмонов фикри ҳам эътиборга олиш керак. «Лойиҳада кооперативнинг олий органи ҳисобланган умумий мажлис бир йилда бир марта қаҳрилади, деб қўрсатилган. Бизга маълумки, умумий мажлисининг

ваколати жуда кенг ва муҳим бўлиб, у бир йилда бир марта мажлисида йиғилиш билан кооператив ҳаётига оид бўлган барча ташкилот, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал эта олиш имкониятига қодир эмас. Шунинг учун қонун лойиҳасининг 10-моддасини қишлоқ ҳўжалиқ кооператив аъзоларининг умумий мажлиси заруратда қараб йилга камда икки марта қаҳрилади, деб тузилган мақсадга мувофиқ бўлур эди», деганди олим. Бу инобатга олинди.

Ўртаҳриқ тўманидаги Акмал Исрофов номли ширкат ҳўжалиғи бош ҳосилоти Замон Бажаков «Ер кодекс» ҳақида фикр билдириб, «Фермерларга ер беришда уларнинг деҳқончилик салотиқини ҳисобга олиш керак» деган тақлифи қиритган.

Шунингдек, фуқаролар матбуотга тааллуқли ва бошқа қонуналар лойиҳалари муҳокамаси бўйича билдирган фикрлар, тақлифлар ҳам бу ҳўжатларни қайта тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этди. Демак, ижтимоий фикр қонун ижодқорлиғида асосий таянч бўлди, уларни тўлдирришга ҳизмат қилди деб бемалол айтиш мумкин.

Бу ҳиҳатдан Президентимиз Фармонига мувофиқ тузилган «Ижтимоий фикр» маркази фаолияти ҳам диққатга сазовор бўлмоқда. Мазкур марказ ташкил этилгандан буйн ўтказилган қатор тақдиқотларда жамоатчиликнинг Президент Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларининг оммага етказилиши, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларга, миллий мафурамизни шакллантириш, маънавият ва маърифатимизга бўлган муносабатига оид қимматли фикрлар тўпланди. Уларда мамлакатда олиб борилаётган оқилона сийсатта садоқат, юртимизда тинчликнинг барқорорлиғидан мамнулик, Президент фармонларига, асарларига ҳурмат, қонуналар ижро этишига интилиш, ҳўқуқий билимларга ташналик усту-лигини эътироф этиш ўринлидир.

Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг истиқлол берган ўқуқларни мустаҳкамлаш, одил қонуналар асосида ҳўқуқий-демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни ўзгачадир. Бу фикр шу йил август ойида республика Олий Мажлисида «Қонун лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчилик фикридан фойдаланиш» мавзусида бўлиб ўтган семинарда ҳам таъкидланди. Зеро, анжуманда қайд қилингандек, қонун лойиҳаларининг сессия муҳокамасига қиритилишидан олдин умумхалқ муҳокамасига тақдим этилиши омма фаоллигини оширмоқда. Демак, жамоатчилик фикри тобора амалий аҳамият касб этиб бормоқда.

**Санам ЮНУСОВА,**  
юридик фанлари номзоди.

## МАРКАЗИЙ ОСИЕ ХАБАРЛАРИ

**ОСТАНА.** Қозогистон Молия вазирлиғи ўтказган текширувлар натижаси бюджетдан маблағ билан таъминланганидан ташкилотларда молиявий маблағлардан нотўғри фойдаланиш ва мол-мулкларнинг назоратсиз сакланиши оқибатида мамлакатга 2,4 миллиард тенге микдорда зарар етганини қўрсатди. 675,3 миллион тенге микдордаги даромад эса солиқлардан яшириб қолинган. Бюджетдан ажратилган 1,2 миллиард тенге эса ўз ўрнида ишлатилмаган. Қўрилган чора-тадбирлар 658 миллион тенге маблағни бюджетга қайтариш имконини берган.

**ДУШАНБЕ.** Афғонистондаги фуқаролар урушининг садоси Тожикистонда ҳам эшитилма болади. Пайшанба кунин Тожикистоннинг Афғонистон билан чегара худудларида үн бор снаряд портлаган. Бу чегарага яқин жойларда уруш ҳаракатлари бораётганидан дарак беради. Тожикистон ҳукумати чегарадо ҳудудлардаги вазиятни қузатиб турибди. Айни пайтда мамлакат ҳукумати ўз чегарасини мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда.

**БИШКЕК.** Қирғизистон молия бозоридаги бекорликкини жиловлаб бўлмапти. Россиядаги молиявий инқироз тўғрйли Қирғизистонда ҳам хоржиий валютага эҳтиёж ўстан эди. Натйжада АКШ долларининг қиймати ошиб, сўмининг қадри пасайиб кетди. Ҳукумат давлат қарзларини ўн бир фоизга қисқартирган бўлса-да, долларнинг нархи пасаймапти. Мамлакатда ўртача ойлик маош сентябр ойида 33,5 АКШ долларига тенг бўлган. Кенг истеъмол маҳсулотларининг нархи оғиб бораётган бўлса ҳам маош оширилмапти.

**АШГАБАТ.** Британия-Голландия компанияси бўлими «Шелл» раҳбари Ленк Дейграф президент С. Ниезов билан учрашди. Учрашувда Туркменистон газини Туркия ва Европа бозорига етказиш йўналишлари муҳокама қилинди.

Ушбу компания Туркменистон ҳукумати бюртмаси билан мамлакатда текширув ишларини олиб бормоқда. Учрашувда Х. Дейграф Туркменистон — Эрон — Туркия — Европа газ қувури йўналишининг техник-иқтисодий лойиҳасини тақдим қилган. Айни чоғда Қаспий тўбидан ўтадиган газ қувури лойиҳаси ҳам тайёр бўлиб қолгани учрашувда маълум қилинди.

**ДУШАНБЕ.** БМТ Бош Қотибининг Афғонистондаги махсус вакили Лакшар Брахими Тожикистонга келди. У президент И. Раҳмонов ҳамда тақдим ишлар вазири, шунингдек, Душанбедаги дипломатик корпус вакиллари билан учрашди. Учрашуларда Афғонистондаги бугунги вазият ва уни тинч йул билан ҳал қилиш имкониятлари ҳақида фикрлашилди. Бу масалада Тожикистоннинг нуқтани назари аниқлаштирилди.



Чиноз туманидаги йўлдош Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиғида нон ишлаб чиқариш корхонаси урулиши иқтисога етмоқда. Уни барпо этишда қатнашган асосий пудратчи «Олтин хирмон» бинокорлик ташкилотини жамоаси заводи жорий йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга



хотин-қизлар ташкил этипти. СУРАТЛАРГА: Электрик Дилмурод Бобойров, катта уста Шўҳрат Қурбонов ва мон-тажчи Дилмурод Рўзибоевлар асбоб-ускуналарни ўрнатиш бўйича сўғити ишларни амалга оширмоқдалар. Даврон АХМАД олган суратлар.

### «ЭКОСАН»: ҲАМКОРЛИК ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

XXI аср бўсағасида мавжуд экология муаммоларини ҳал қилишнинг амалий йўлларини топиш устувор ва умуминсоний масалалардан бири бўлиб қолди. Шундан келиб чиқиб, «Экосан» халқаро жағмармаси экологик аҳолини соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида кўнгина ташкилот ва компаниялар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Яқинда «Экосан» жағмармасида ўтказилган навбатдаги тадбир ана шундай соҳадаги хайр-инишлардан бири бўлди. Мазкур йиғилишда суни тозалаш ва қайта ишлаш қурилмасини лойиҳалаш ва амалга ошириш бўйича Италия компаниясининг ўсиб бораётган, соғиб совет иттифоқидан келиб қолган ахдийларнинг Америкадаги уюшмаси раҳбарлари ҳамда қатор вазирлик ва идоралар вакиллари сув ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича мутасассислар ва Тошкент клуби аъзолари иштирок этилди.

Учрашувда сув хазналарини ифодласини қўлайишининг олдин олиш, сув захиралари муҳофазасига қаратилган ва эҳди билан амалга оширилиши лозим бўлган чоралар мажмуаси, сув ифодласини энг ҳам микдорга келтириш, сувларни тозалаш ва аҳолининг соғлиғи ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар қўриб қилинди.

Маълумки, йирек сановат корхоналари ва агро-сановат мажмуасининг фаолияти билан боғлиқ булган кимовий, физиологик ва биологик қичқиллар сув объектларини ифодласини асосий мақсадлардан биридир. Улар жойлашган худудларда хар хил заҳарли моддалар ва бошқа қичқилларнинг тўпланиб қолиши натижасида барча сув эко-системаси тўзатиб бўлимас даражада издан чиқади. Бу оқир оқибатда инсон саломатлиғига жуда катта салбий таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жағмармаси Италиянинг «АККА ДУЕ» компанияси раҳбарияти билан келажақда ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида баённома имзоландилар. Бу ҳамкорлигини амалга оширишда асосий мақсад мазкур компания ердарида Европа жамоатчиликнинг ҳамда корхонидаги компанияларни ўзбеки-

### ХўЖАЛИҚДА НОН ЗАВОДИ

топириш учун бунёдқорлик ишларини кун сайин жадаллаштирмоқда. Заводда чет элдан келтирилган икита печ билан 25 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланади. Ҳўжалиқ ойдунида истиқомат қилувчи

14 минг аҳоли унинг ҳизматидан баҳраманд була бошлайди. Корхонада 80та ишчи ўрни ташкил этилди. Ишга қабул қилинганларнинг асарияти кўчилигини — 70 фоизини уй-рўзгор ишлари билан шуғулланган

Ушбу вазифаларнинг ба-жарилишини таъминлашнинг амалда синналган, тақриба-да оқланган шакли жамоа шартномаларидир. Маълумки, шартномалар корхоналар ва муассасалар маъмурият-лари — иш бевурилар ва меҳнат жамоаларининг ваки-ли бўлган касаба уюшмалари қўмиталари ўртасида ту-зилди. Уларда иш бевурича-рил билан меҳнат жамоала-рининг ишлаб чиқаришдаги ўзаро муносабатлари, хар икки томоннинг вазифалари ўз ифодасини топади. Шун-нинг учун ҳам жамоа шар-тиномасида бошқа масалалар қатори меҳнат аҳлини иж-тимоий ҳимоя қилиш, бунинг учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар назарда тутилди, уларни баҳарши мудиатлари кели-шилади.

Касаба уюшма ташкилот-лари шу ҳўжат асосида корхона, ташкилот маъмури-ятдан ходимлар меҳнатини муҳофаз қилиш, иш жойла-рида кулай ва ҳавфсиз иш шартлоларини яратиб бе-риш, уларни санитария-гиги-ена меъерлари ва қондаларга монанд қилиш, ишчи-ҳизматчиларни ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш-лаб чиқариш маданийати-ни оширишни талаб этади-лар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, хозир-ги мураккаб иқтисодий шар-оитларда ҳам қатор касаба уюшмалари қўмиталари ишчи-ҳизматчиларни иж-тимоий муҳофаз қилиш юза-

## ХИФЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА ижтимоий йўналишдаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёни тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Бу жараёнга бевосита аҳолини ҳам жалб қилишга катта эътибор берилляпти. Бундан мақсад фуқароларнинг ортиқча пул маблағларини бу тadbирлар жалб қилиш ва уни қўшим-ча даромад манбаига айлантиришидир.**

Шу мақсадда бундан икки йил илгари республикаимиз ҳукумати томонидан ҳусуийлаштириш давлат дастури сифатида ХИФЛарни ташкил этишга қиршилди. Уни ишлаб чиқаришда Ҳабесиондага бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос ҳусуийларни, айни вақтда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг жаҳон тажрибаси инобатга олинди. Ҳозирги вақтда юртимизда 85 та ҳусуий-лаштириш инвестиция фондарли фаолият кўрсатмоқда. Уларга беришган акциядорлар сони 80 минг нафардан ҳам оғиб кетди.

Муддат ичидаёқ ўзини оқлади. Шуни ҳисобга олиб, Ҳабесион Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 25 сентябрийда «Инвестиция ва ҳусуийлаштириш инвестиция фондарли фаолиятини тақомиллашти-риш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Учрашувда ҳукумати-мизнинг бу янги ташаббуси ва ХИФЛар акцияларининг иқтисодий бозорини, шунин-

беш йилгача узайтириш шаклида берилди. ХИФ-лар акцияларини сотиб олиш пайтида корхоналар акциялари пакети қиймати-нинг 30 фоизини ўз пул маблағлари билан тўлайдилар. Пакетлар қийматининг қолган 70 фоизини кредит орқали сотиб оладилар.

Шу вақтгача амал қилиб келинган тартибга мувофиқ хар бир акциядор ХИФЛарни юзтагача акцияларини сотиб олиши мумкин эди. Эндиликда унинг микдори анча кўпайтирилди. Хар бир акциядорнинг улуши ХИФЛар низоми сармоси-нинг 5 фоизгача ташкил қилиши мумкин. Ҳусуий-лаштириш инвестиция фондарларининг корхоналар акциялари бўйича дивиденд шаклида олган даромадлари солиқ тўловида ҳамда ноёбоджет фондарига олинадиган йиғмалар ва тўловлардан озод этилди. Шунингдек, ҳусуийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга сарфланган инвестиция фондарларининг даромадларидан солиқ тўлови олинмайди.

### Ислохот одимлари

гдек, ХИФЛар дастурининг янги ахборот-реклама компаниясини ташкил этиш тўғрисида сузлаб берилди. Янги қарорда ХИФЛар уларнинг акцияларини сотиб олганлар учун қатор қўшим-ча имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Чунони, унда давлат мулкни тасар-руфдан чиқариш ва ҳусуий-лаштириш жараёнларида аҳолининг иштирокини янада кенгайтириш, ҳусуийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларига ётқизилган сармояларни ҳимоя қилиш, инвестиция ва ҳусуийлаштириш фондарли ишини тақомиллаштириш мўлжалланган.

Мамлакатимизда давлат мулкни оммавий равишда ҳусуийлаштириш мақсадида барпо этилган ХИФЛарни ривожлантириш дастури халқаро ташкилот-лар томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Учрашувда ТАСИС дастур-лари лойиҳаларининг бош мувофиқлаштирувчиси Александр Мак-Лакшан, ТАСИС дастури ХИФЛар лойиҳасининг раҳбари Кристиан Ван Зеллер, жаҳон қайта қуриш ва тараққийот банки МДҲ мамлакатлари бўлимининг раҳбари Ицхак Голберг сузга чиқдилар. Улар республикаимизда амалга ошириладиган ХИФЛар дастури корхоналарнинг таназзулдан қичқшига, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ёрдам бераётганини, аҳоли фаровонлигини юксалти-ришга қўмаклашаётганини алоҳида таъкидладилар.

**Ирсобир МИРҲАМИДОВ.**

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази-да Ҳабесион Республикасининг «Рекла-ма тўғрисида»-ги қонунининг лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлди. Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси Республика Олий Мажлисининг ўн иккин-чи сессияси қарори билан биринчи ўқишда маъқуллаб, умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинган эди. Давра суҳбатини Ҳабесион Оммавий Ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сийсий жағмармасининг ҳамраиси, Олий Мажлис

депутати Х. Дўстмухамедов бошқарди. Олий Мажлис Матбуот ва Ахборот қўмитасининг раиси У. Ҳошимов мазкур қонуннинг мақсад ва вазифалари тўғрисида сузлади.

Давра суҳбати иштирокчилари янги қонуннинг жамиятимиз ижтимоий-сийсий ҳамда маънавий ҳаётида муҳим аҳамияти ҳақида гапириб, унинг айрим банд ва қоидаларини янада тақомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини бил-дирдилар.

(УзА).

мактабларига ажратилган маблағ эса бир миллион 300 миғ сўмга яқин бўлди.

Тармоққа қарашиб йирек корхоналарнинг бири ҳисобланган «Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-ҳизматчиларни ижтимоий муҳофаз қилиш юзасидан жа-моа шартномасида назарда ту-тилган чора-тадбирларнинг ак-сарият қўчилиғи вақтида амал-га оширилляпти. Корхона маълум-рияти ва касаба уюшмаси қўми-таси металлургияр ва уларнинг аъзоларини

### Касаба уюшмаси ҳаёти

махсус кийимлар ва пойабзал-лар, гази сув, чой ва бошқа яқка тартибда муҳофаз қилиш воситалари билан таъминланмоқдалар. Жорий йилнинг биринчи ярмида фақат махсус кийимлар олиш учун 30 миллион, сўм ҳаражат қилинди.

Ҳабесион қийин эрийди-ган ва иссиққа чидамли метал-лар комбинати маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ҳам жамоа шартномасида режа-лаштирилган тадбирларни махсус кийимлар ва пойабзал-лар, гази сув, чой ва бошқа яқка тартибда муҳофаз қилиш воситалари билан таъминланмоқдалар. Жорий йилнинг биринчи ярмида фақат махсус кийимлар олиш учун 30 миллион, сўм ҳаражат қилинди.

## ИЖТимоий МУҲОФАЗА — БОШ ВАЗИФА

сўм сармоя сарфланди. Шу жумладан, санитарий-курор-тларда даволанишга ва парhez таомлар билан таъминлашга 13,5 миллион сўм ҳаражат қилинди.

соғломлаштириш ҳақида катта ғамхўрлик қиломоқдалар.

Фикримизнинг далили си-фатида бир неча рақамларни келтиришни лозим қўрдик. Фақатгина жорий йилнинг би-ринчи ярмида улар томонидан ижтимоий суғуртага ажратил-ган маблағ ҳажми 90 миллион 140 миғ сўмни ташкил этди. Касаба уюшмаси йўли билан санитарийда саломатликни мустаҳкамлаш 2 миллион 574 миғ сўмдан ортиқ пул ажрат-тиди. Йўланмаларнинг 15 фоиз беғул берилди, кўпчилиғи имтиёзли бўлди.

Комбинатдаги санитарий-профилакторий хар йили ми-нглаб металлургияр ва уларнинг оила аъзоларини ўз бағрайга олмақда. Бу ерда деярли ҳамма ишчи-ҳизматчилар бе-ғул даволанишадилар. Бунинг учун биринчи ярим йилликда 6 миллион 224 миғ сўм маб-лағ сарфланди. Ноқулай иш шартлоларида меҳнат қилаётган металлургияр беғул

амалга ошириш учун қўп кўч-ғайрат сарфламоқда. Бу ерда тиббий санитария қисми, профилакторий, маданият са-ройи, уйингоҳ ва бошқа жамо-ага ҳизмат кўрсатувчи ташки-лотлар ишлаб турпти. Айрим бўлиминларда ходимлар учун имтиёзли оғак ташкил этил-ди. Тиббий кўрик мунтазам уюштирилляпти.

Тармоғимизга қарашиб бошқа қатор корхона, ташки-лотлар ҳам меҳнат аҳли учун қўлай иш шартлоларини яра-тиб бериш, соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш, техника ҳавфсизлигини таъ-минлаш, уларни ижтимоий муҳофаз қилиш юзасидан қўллаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин, ҳамма ойда ҳам бу муҳим иш кўнглидагидек уюштирилма-ганлигини тан олиш керак.

Белгиланган яҳши чора-тад-бирларнинг муайян қисми қозғалди қилиб кетмоқда. Бундай нуқсонларнинг ўзига хос сабаблари бор.

Бундай нуқсонларнинг ўзига хос сабаблари бор.

## Пахта — 98

### ТЕРИМ ДАВОМ ЭТАПТИ

Ўртачирик туманидаги «Кайтмас» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти пахтакорлари йиллик режани бажардилар. 520 гектар пахта майдонининг ҳар гектарида 26 центнердан «оқ олтин» териб олинди, 1320 тонналик хирмон яратилди.

Суяр Нортажоев, Малик Соиповлар бошлик бригадаларда ҳосилдорлик 30 центнерга етди. Механизаторлар Абдуали Мамасобиров, Абдуҷаббор Ҳўжамуродов, Фахриддин Давлатовларнинг ҳар бири 80-90 тоннадан пахта теришди. Илгор теримчилардан Турсуной Ҳайтанова, Раҳима Сайдезова, Раҳима Имонқулваларнинг мавсум бошидан бери уйған хирмони 2,5-3 тоннадан ошиб кетди. Қайтмаслик яна 80 тонна пахта топириб, ялпи ҳосил хирмонини 1400 тоннага етказиш ниятидалар.

Усмон ҲАМИДОВ.



### ОЛМАЛИҚЛИК ҲАШАРЧИЛАР

Олмалик ва Пскент маҳнаткашлари азалдан бир-бирларига ҳамкор ва кўмақдош. Шаҳардаги саноат корхоналари, курилиш-транспорт ташилотлари жамоа хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатиб келишяпти. Туман боғбонлари, соҳибкорлари, сабзавоткорлари эса ўзлари етиштирган дала неъматларини олмалиқликлар дастурхонида тортқ қилмоқдалар.

Бу йил «оқ олтин» терими бошланиши билан шаҳарлик жамоалар пахтакорларга ҳосилни йиғиб-териб олишга кўмаклашишга ошандилар. Уларнинг вакиллари қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан ёнма-ён туриб ишлашяпти. Сал кам саккиз минг олмалиқликлар пахта далаларида. Ҳар бир ҳашарчи кунига ўрта ҳисобда 22 килограмдан пахта теряпти.

Собир ҲАМИДОВ.



Бука туманидаги «Бахмал» ширкат хўжалиги пахта тайёрлашда илгорлар сафиди бормоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки хўжалик аъзоларининг ёшу қариси айни кунларда пахтазорда. Ҳамма орада тикланиши иштиқи билан ёнапти. Уларга яхши ишлашлари ва марокли дам олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Корлар ва ҳашарчилар ҳузурига тез-тез ташриф буюриб туришибди. Санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан теримчиларни хушнуд этишмоқда. Шунинг учун ҳам терим сурвати суваймаяпти. Миришкорлар эса ғала-бада маррасини эгаллаш арафасида туришибди.

**СУРАТДА: хўжалик хирмонида салмоқли ҳисса қўшган чевар терими Каромат Эрматова.**

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

### ХУШҲАБАР ИЗИДАН

Газетамизнинг ўтган сонида Ўртачирик туманидаги Акмал Иқомов номли очик турдаги ҳиссадорлик жамияти пахтакорлари зафар маррасини эгаллаганликлари ҳақида маълум қилган эдик. Бугун «Кайтмас» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти миришкорларининг ғалабасини эълон қиляпмиз.

Бундан кўрииб турибдики, туманда 36300 тонналик хирмон учун кураш тобора авж олмоқда. Шунинг учун ҳам ўртачирикликлар кунлик ўсиш суръатини кўтаришга муваффақ бўлишмоқда.

Барча хўжаликларда далалардаги бор ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш учун оммавий сафарбарлик эълон қилинган. Ҳозир қишлоқда яшовчи, юрагида ўти, билагидеда кучи бор ҳар бир киши ўзини пахтакор, деб билмоқда. Фотомухбиримиз Даврон АҲМАД олган куйидаги суратларда Акмал Иқомов номли хўжалигининг моҳир механизатори Абдуҷаббор Ҳўжамуродов ҳамда «Кайтмас» хўжалигининг илгор бригадаси бошлиғи Уттам Суттибоев, бригада хирмониға баракали ҳисса қўшган Мовлуда Қултонова ва Замира Исмоиловалар акс эттирилган.



**МАЪЛУМКИ. — бундан қарийб ўн кун аввал Куйичирик туманида пахта тайёрлаш оқсатганлигини танқид қилиб, қатор хўжаликларда ҳосил етиштириш ҳажми ҳам, йиғим-терим суръати ҳам пасайиб кетаётганлигини айтиб ўтган эдик. Ҳўш, нега, шундай бўлмоқда? Бунга фақат табиат инжиқликларига сабабми?**

Тахиллар, кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўп нарса, хусусан, мўл ҳосил етиштириш ҳам, уни ўз вақтида йиғиб-териб олиш ҳам табиий шароитга қайси жиҳатлари биландир боғлиқ. Аммо бу фаолиятнинг учун бир баҳона холос. Хоҳлаган имкон топар, хоҳламаган баҳона, деганлари рост.

Қаловини топаётган, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам мўл ҳосил етиштириб, уни ўз вақтида йиғиб-териб олишга эришяётган хўжаликлар ҳам туманда оз эмас. Ана шулардан бири «Ужакент» жамоа хўжалигидир. Бизга

### ДЕҲҚОН ОМИЛКОР БЎЛГАЧ...

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълумот беришларича, хўжалик миришкорлари бир неча йиллардан буюн муттасил пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан бажариб келмоқдалар.

Ўжакентлик пахтакорлар жорий йилда 770 гектар ерга чигит экишган. Биз бу йил ҳам далаларда мўл ҳосил етиштирилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бор ҳосилни саранжомлаб барча ишчи кучлари ва техника воситалари сафарбар этилибди. Шунинг учун ҳам заршунослар пахта тайёрлаш бўйича туманда карбонбошилиқ қилишмоқда.

— Очиғини айтганда, — дейди хўжалик раиси Узок Мажинов, — пахтакор учун тула-тукис яхши келган йилнинг ўзи йўқ. Ҳар йили ҳам табиат инжиқликлари

содир бўлиб туради. Бунинг устига ерлар захаш, унсиз бўлса бундай жойлардан кўзланган ҳосилни олиш қийин.

Аммо ҳақиқий меҳнаткаш баҳона қилмаслиги, қаловини топиши керак. Бунинг учун деҳқон омилкор бўлиши лозим.

Хўжалигининг ерлари Чирчиқ дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Сизот сувлари яқин. Шунинг учун анча-мунча кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келади.

Бизнинг энг асосий бойлигимиз, ютуғимиз — тажрибали деҳқонларимиздир. Уларнинг бой тажрибасига суянган ҳолда ишчи ташиқ этиб, муваффақиятга эришмоқдамиз.

Масалан, илгор бригада бошлиқларидан Аъзам Раҳматов, Марат Рузमतов,

Ғофир Мажинов каби миришкорларни олайлик. Улар етакчилик қилаётган пахтакорлар мана бир неча йилдирки, об-ҳаво кийинчиликларига қарамай мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Бу йил ҳам ҳар гектар ердан 26-27 центнердан ҳосил олиб, режаларини бажардилар.

Дарҳақиқат, «Ужакент» жамоа хўжалиги далаларида режадаги 2070 тонна хирмони тўқилмайдиган даражада ҳосил етиштирилган. Аммо баъзи пайкалларда у бироз кечки. Ҳозир кечки кўсаклар бодраб очилмоқда. Миришкорлар вақтини ганимат билиб, бор куч ва имкониётлардан фойдаланган ҳолда суръатни сувайтирмайптилар.

Ҳозиргача ўжакентлик пахтакорларнинг давлатга топширган «оқ олтин»лари режанинг 90 фоизидан

ошиб кетди. Айни кунларда кунига бир фоиздан ошириб пахта тайёрланмоқда. Демак, хўжалик заршуносларининг зафар маррасини эгаллашларига санокли кунлар қолди.

Яна шуни қўшимча қилмоқчимизки, газетада танқид эълон қилинганда кейин Куйичирикда сафарбарлик кучайди. Этак бўлмас далага чамқорларнинг сони кўпайди. Иш унуми орди. Натижада туманда теримда ижобий ўзгаришлар ош бермоқда.

Бизга маълум қилишларича, бундан буюн туман шароитида мўл ҳосил етиштириб, уни қисқа муддатда териб олаётган омилкор деҳқонлар тажрибаси кенг ёйилди. Дала ишлари илгорлар усули асосида олиб борилади. Шундай экан, Куйичирикда пахтачиликда оқсалиш бўлиши шубҳасиз.

Каримжон РИХСБЕВ.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

## «ДЎСТЛИГИМИЗГА МУҚОБИЛ ЙЎҚДИР»

— таъкидлади Туркменистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Солтан Пирмухамедов «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбирига

— Жаноб элчи, бу йил туркман халқи ўз давлати мустақиллигининг этти йиллигини нишонлайди. Туркменистон ўзининг асосий байрамини қандай муваффақиятлар билан кутиб олмақда?

— Кечя бетараф Туркменистон, халқимиз умий сўровда ўз хошияни эркин издор этиш натижасида мустақил ривожланиш йўлини ёқлаб чиққан кундан буюн ўтган етти йиллигини тантанали нишонлади.

Мана энди, XX аср сўнгидеда эса бу мустақил, демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат жаҳонга ички ва ташқи сийсий ривожланишининг туркман моделининг ўзига ҳослиғи тўғайли танлимоқда.

Ижобий сийсий бетарафлик ва интисодинг очиклиги мустақил ривожланиш йилларида баркарорлиғини сақлаб қолиш ва миллатларнинг ўйғунлиғига эришиш, мамлакат сийсий-иктисодий тизимини бошқича-бошқича ислох қилишда талаб муваффақиятларни кўлга киритиш имкониини берди. Уларга эришишда мамлакат Президенти Сапармурод Туркмановни томонидан ишлаб чиқилган давлат дастурларини рўёғга чиқариш муҳим роль ўйнади. Бу дастурлар ҳақиқий

иктисодий мустақиллик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланшини таъминлашга қаратилгандир.

Ҳозиргача Туркменистон мустақиллигининг 120дан ортиқ мамлакат эътирофи эди, 114та давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Уларнинг 23тасида дипломатик ваколатхоналаримиз очилган. Ашгабатда 29та элчихона, консулхона ва халқаро ташиқлотлар ваколатхоналари руйхатдан ўтган. Мамлакатимиз 7та халқаро ташиқлотда ўз вакиллариға эга ва 70дан ортиқ давлат билан савдо алоқалари ўрнатган.

Халқимизнинг тинчликсеварлиғи, сабрлиғи, дўстлик ва ҳамкорликка интилиши ёш туркман давлатининг БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилнинг 12 декабдаги қароридеда ўз аъсонин толган бетарафлик фикриға мурожаат қилишин олдидан белгиланди. Бу мамлакатдаги маъжуд барча салоҳиятни бунёдкорлик максадларига йўналтиришга имкон берди.

Натижада бу йил энергетик мустақиллик ёниға галла мустақиллиғи қўшилди. Жорий йилнинг тўққизи оини давомидеда ўсиш, бултурги айни шу даврдигеда нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми буйича 2 фоизни, қишлоқ хўжалиғи буйича эса 18 фоизни

ташиқ эдди. Сармоёлар 30, товар айирбошлаш 16 фоизга ошди. Аҳоли даромдлари ўтган йилгидеда даражадан 37 фоизга ошди, маош ўсиши эса 50 фоизни ташкил эдди. Нефть қазиб чиқариш, электр қуввати ишлаб чиқариш, химия ва тукумачилик саноатлари махсулотлари ишлаб чиқариш кўпайди. Ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган иншоотларга жами капитал маблағларининг 90 фоизи сарф қилинмоқда. Шу тўғайли сўнгги етти йил ичидеда халқ хўжалигининг энги соҳалари, хусусан, қайта ишлаш, коммуникация, машинасозлик ва металлургия соҳалари вужудга келди.

Хуллас, буларнинг ҳаммаси Туркменистонни келгуси учинчи минг йилликка тула ислох қилинган, мустақил, жаҳонга очик давлат сифатида киришиға имкон берувчи мустақам асосдир.

Миллий алоқаларнинг янада ўйғунлаштирилишиға олиб келган халқ ва ҳокимиятнинг бирлиғи, улар орасидедаги ўзаро тушуниш, ишонч ва низоҳат, тинчлик, баркарорлик, миллатлар ва динлараро меҳру-муруват борлиғи айниқса муҳимдир. Шу тўғайли биз келажакка умид ва ишонч билан қараймиз. Уни инсоният келажеги билан чамбарчас боғлиқ деб биламиз. Бизда бошқа халқлар билан ўзаро манфатли ҳамкорлик орқалиғина даврининг глобал талабларига жавоб бериш мумкинлигининг аниқ тушуничаси ҳосил бўлди.

— Узеб ва туркман халқлари ўртасидедаги дўстлик алоқалари кўп асрлик аёнанаға эға. Иккитомонлама муносабатларининг хозирги даражасини ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақидедаги фикрингиз қандай?

— Узеб ва туркман халқлари ўртасидедаги дўстлик ва қардошлиқ алоқалари ўз илдизлари билан узок ўтмишга бориб тақалади. Уларни тарих, маданият, эътиқод, тил, аёнана ва одатларнинг қинлиғи бирлаштиради. Замон халқларининг ўртасидедаги муносабатларининг объектив заруратлиғини, унга мўқобил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиғини тасдиқламоқда.

— Узебистон Президенти И. Каримов ва Туркменистон Президенти С. Ниязовнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидедаги дўстлик муносабатлари ва ўзаро манфатли ҳамкорлиқни янада чуқурлаштиришга қаратилган ғамғурлик ва жиҳдий эътиборлари бунинг ёркин далилидир.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро таширлари, мунтазам учрашувлар ва маслаҳатлари келажак тараққий учун аҳиёбий замин яратмоқда.

Президент И. Каримовнинг жорий йилнинг 16 октябрда Президент С. Ниязов тақлиғиға биноан Ашгабатта қилган ишчи таширфи ҳам бундан маъ-

тасно бўлмади. Таширфи давомидеда икки мамлакат ҳамкорлигининг, минтақавий ва глобал ҳавфсизликнинг қатор масалалари борасидеда фикр алмашиди. Ўшбу таширфи икки томонлама алоқаларимиз тарихидедаги ёркин саҳифа бўлиб қолди ва шубҳасиз доимий ривожланиб бораётган ўзеб-туркман муносабатларига янги туртки берди.

— Бу жараён ривожига 1996 йилнинг ноябрь ойида тузилган савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик буйича ўзеб-туркман икки томонлама комиссияси, муттасил кенгайиб бораётган ҳуқуматларо ва идораларо муносабат ва инсонпарварлик алоқалари салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Икки мамлакат ўртасидеда ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларининг ўсишга мойиллиғи кўзга ташланмоқда. Ўзебистон Туркменистонга ўнгит, машинасозлик махсулотлари ва электр жиҳозлари чиқариш ва муҳаллас вазирамиз уларни топшиға кўмак беришидир.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўзларининг мустақил ривожланишларининг саккизинчи йилға қадам босдилар. Узеб ва туркман халқларига бундан кейинги тараққийёт сари йўларида нималар тылаган бўлардингиз?

— Халқларимизға истиқлолнинг янада мустақамлашда, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ислох қилишда муваффақиятлар тилардиқ. Яқинлашиб келаятган XXI аср мамлакатларимизнинг ақлли қўрилган тараққийёт ва равнақи, халқларимизнинг маънавий гуллаб яшаш дари бўлиб қолишини самийий тиламиэн. Узеб ва туркман халқлари ўртасидедаги дўстлик абадий, чексиз ва бузилмас бўлиш.

Сergeй ҚУРБОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири эди.

### ҚИСҚА САТРАЛАДА

**БРЮССЕЛ.** НАТО Бош котиби Хавьер Солана Сербияға роҳалаштирган сарвадин бекор қилиб, Косоводаги вазиатни тахлил ўчун НАТО кенгашининг маълумоти қариди. НАТО вакилларидан бири Бош котибининг маъзур қарорини Косово кечкётган жараён натижаси равишда тахлил қилишга тўрилишига лозиллиғи билан изоҳлади. Чунки НАТОнинг Югославияға берган муддати 27 октябр кўни туғади.

**ВАШИНГТОН.** АКШ Мудоефа вазирилги вақили Кеннет Бекон ракета ҳужумига қарши Америка ва ўзбўсири ёригадидеда амалға ошираётган «ЭРРОУ» дастурига турки ҳам қўшилиши мумкинлиғи ҳақидеги хабарни рад эдди.

Оммавий аҳборот воситаларининг хабар беришича, гүе Кипринг Россиядан С-300 зенит ракета маъжмуини сотиб олиб, ўз худудиға жоиллаштириш ҳақидедаги рожасига қарши жавоб тариқасида турки АКШ ва Исроилнинг маъзур дастурига иштироқ этмоқчи бўлган.

**МЕХИКО.** Колумбияда ҳарақат қилаётган исёнчилар мамлакатнинг ирриқ нефть тармоқини портагилга йўришидир. Бундан кўпроқ нефть ҳарақати қўниги ҳақидеда ақсинчи бор содир этилмоқда. Хаиритчиқ, бу галии портлаш аввалгисига сингарйиғиға олиб келмаган. Ёирок португал оқиғида нефть тармоқини ишонч қилиб, кўп миқдордаги нефть туқлиб, исроф бўлди. Колумбия ҳукуматининг фикрича, кўпроқ нефть қўниги мамлакатда фаоллаш қўрсатилган. Миллий озоқлик армияси жангарилари амалға оширғин.

**ДЕХЛИ.** Ҳиндистоннинг Керала штатидеда қатта тезликдеда кетаётган автосубеда зенит ракета сфермогторга келиб ўрилади. Октябрда 30 га энги йулловчи триқилди ёниқ кетди. Автобусада 50 ортиқ йулловчи бўлган. Тирки қолган йулловчилар ҳам оғир жароҳатланғини. Кўсонларнинг ақсарият қисми аёллар ва болалардир, дейиллади РАТА-ТАСС ахборот маҳаммаси тарғатган хабарда.

**БУЭНОС-АЙРЕС.** Аргентинанинг Мендос вилоятида бир ярим мингдан ортиқ полиция ҳокимин эълон қилган иш ташлиш туғиди. Маҳаллий ҳокимият уларнинг талабини қондирғиға ваъда берди.

Ҳинд-аёлоти полициячиларининг иш ташлишда бир полициячиларининг қизматини ўтаетган пайтида жиноятчилар томонидан улдирилиши сабаб бўлган эди. Сўнгра қозилб полициячилар ўз қўрбонлари билан шаҳарнинг марказий майдонидеда мингтун утказди. Бу эса амалда иш ташлиш эмас, балки исенга ўшаб кетди. Натижада маҳаллий ҳокимият тартиб посбонларининг маъшини оширишга қарор қилди.

(Уза)

ШАРҚ БОЗОРИ: СОТУВЧИ ВА ХАРИДОР


Мана, етти йилдан зиёд вақт ичида Ўзбекистонимиз ҳам аста-секин бозор иқтисодиётига ўтиб бормоқда...

парчадан айниқса савдо аҳлининг «зақоти бўйида қолмаслиги», «фўқаро ҳақини ўз бўйига олмаслиги»...

Мулоҳаза

Яна назм ила ёзди: «Бу гуруҳнинг бари одам эмас, сен яхши боқ, Сеннинг фойданг бўлур улардан йироқ турмоқ».

Билгай гадой, гарчи эрур машхури замон...



Бўстонликнинг сўлим гўшаларини сайр қилганмисиз? Йўқ дейсизми, бўлмаса мана бу манзарага разм солиб кўринг-а...

Ўғлимга

Ўткир нигоҳ, нурафшон кўзлар, Ўхшаш киприк, ўхшаш табассум...

Шеърят

ҚИШЛОҚЛАРДА ҲАЁТ БОШҚАЧА

Яшнаб турган бу боғларда, Ўн гулидан бир гули-ей, Очилмаган жонлар бордир...

АГАР ҚЎЛИНГДАН КЕЛСА...

Ҳайқириб яшадик, айтгани қилдик, Зиммага олмадик уйда қилмасак...

Сандиқларда қулфлог ётар, Шода-шода дур-маржонлар, Ва куёвнинг зар эсоти...

ДАВЛАТМУРОД

ИРСИЯТ ТУРИ САБАБЧИ

Ўз болаларидан воз кечадиган оналарнинг бундай қилмишлари ҳаммамизни қайғуриб қолди...

Биз ўйлагандан АҚЛЛИ

Инглиз олимлари аслида қушлар биз улар ҳақида ўйлагандан анча ақли эканликларини аниқладилар...

Бу қизик

да паррандаларнинг айрим турлари ниҳоятда ноёб эшаш қобилиятига эга эканлиги маълум бўлди...

Саломат юрай десангиз КЎЗ НЕГА ҚУРИЙДИ?

Кўш нури чарқлаб турса, очик ҳаводаги ҳар лаҳза ганиматдир. Машинида қатъатганда тоза ҳаводан нафас олиш қанчалар роҳат!

Кўп таом еганда

Сира ҳам ҳижолат бўлиб, қийналманг. Бу ҳолат 35 ёшли аёлларнинг кўп қисмида куза-

МАЛИНАНИНГ ФЙДАСИ

Шундан иборатки, у аввало таркибида салицил кислотаси кўп бўлгани учун жуда мазали бўлади...

Об-ҳаво

Октябрь ойининг сўнги ва ноябрь ойининг дастлабки кунлари харорат ўзгариб туради...

ХАРОРАТ ЎЗГАРИБ ТУРАДИ

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси мутаассадиларининг пайтахти ва Тошкент вилояти бўйича берган ахбороти ана шундай.

СПОРТ

САМБОЧИЛАР КУЧЛИЛАР САФИДА

РОССИЯНИНГ Калининград шаҳрида ниҳоясига етган самбо бўйича жаҳон чемпионати йигирма мамлакатдан энг кучли курашчилар келди...

Икки таниқли самбочи — 1997 йилги жаҳон кубоги мусобақалари галиби, 1998 йилги Осие чемпиони ўзбекистонлик Акобир Қурбоновнинг Мугилистон вакили, 1998 йилги жаҳон кубоги мусобақаси галиби Улан Батаев билан финал учрашуви мусобақадаги энг қизиқarli бешлашу бўлди...

«ПАХТАКОР» — «НИССА» (Ашгабад) 6:0

Худди шундай ҳисоб пайтахти «Пахтакор» ўйноҳи таблосида намоен бўлди. Ҳақиқатан ҳам 56 минг томошабин иштирокида ўтказилган Осие кубок эгалари кубогининг 2-тур баҳслари жавоб учрашувида майдон эгалари меҳмонларга 6:0 ҳисобида галаба қозондилар...

«ДЎСТЛИК»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон Республикаси 7-милли чемпионати олий табақа жамоаларининг 28-тур учрашувлари бошланди. Қуни кеча ўтказилган турда Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси ўз майдоннда Термизнинг «Сурхон» жамоасини қабул қилиб, рақиб дарвозасини 5 мартаба ишғол қилди...

ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» акционерлари диққатига!

Очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акционерлик жамиятининг 1998 йил 29 октябрь соат 10.00да тайинланган умумий мажлиси 1998 йил 23 ноябрга қўчирилди.

Реклама-Ахборот Агентлиги

Сизга матбуот конференциялари, тақдиротлар, матбуотда реклама компаниясини ўтказишда ёрдам беради. Шунингдек Сиз учун қисқа мuddатларда - визиткалар, - тақлифномалар, - гувоҳномалар, - дипломлар, - бейджиклар, - папкалар, - органайзерлар тайёрлаб беради.

Юқориричиқ тумани ҳокимлиги «Гулистон» корпорациясининг расиси Аскар КАРИМОВНИНГ «Ғожили ҳақ бўлганлиги муносабати билан дархумнинг оғла аъзолари ва ёру биродарларига чукр хамидларини бахширади.

TOШKЕНT ҲАКИКАТИ • TOШKЕНT HAQIQATI • Муассис: ТОШKЕНT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ • Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ • Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. • Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48, Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27. • Эълон ва билдиривлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.